

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 1525-ҳадис

1525 - وَعَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: شَكَأَ أَهْلُ الْكُوفَةِ سَعْدًا - يَعْنِي: ابْنَ أَبِي وَقَّاصٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَعَزَلَهُ وَاسْتَعْمَلَ عَلَيْهِمْ عَمَّارًا، فَشَكَوَا حَتَّى ذَكَرُوا أَنَّهُ لَا يُحْسِنُ يُصَلِّي، فَأَرْسَلَ إِلَيْهِ، فَقَالَ: يَا أَبَا إِسْحَاقَ؛ إِنَّ هَؤُلَاءِ يَزْعُمُونَ أَنَّكَ لَا تُحْسِنُ تُصَلِّي، فَقَالَ: أَمَّا أَنَا وَاللَّهِ؛ فَإِنِّي كُنْتُ أَصَلِّي بِهِمْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَا أَحْرِمُ عَنْهَا: أَصَلِّي صَلَاةَ الْعِشَاءِ فَأَكْرُدُ فِي الْأُولَيَيْنِ، وَأُخِفُّ فِي الْأُخْرَيَيْنِ، قَالَ: ذَلِكَ الظَّنُّ بِكَ يَا أَبَا إِسْحَاقَ، وَأَرْسَلَ مَعَهُ رَجُلًا - أَوْ رَجُلًا - إِلَى الْكُوفَةِ يَسْأَلُ عَنْهُ أَهْلَ الْكُوفَةِ، فَلَمَّ يَدْعُ مَسْجِدًا إِلَّا سَأَلَ عَنْهُ، وَيُثْنُونَ مَعْرُوفًا حَتَّى دَخَلَ مَسْجِدًا لِبَنِي عَبْسٍ، فَقَامَ رَجُلٌ مِنْهُمْ يَقُولُ لَهُ: أُسَامَةُ بْنُ قَتَادَةَ، يُكْنَى أَبَا سَعْدَةَ، فَقَالَ: أَمَا إِذْ نَشَدْتَنَا فَإِنَّ سَعْدًا كَانَ لَا يَسِيرُ بِالسَّرِيَّةِ، وَلَا يَقْسِمُ بِالسَّوِيَّةِ، وَلَا يَعْدِلُ فِي الْقَضِيَّةِ. قَالَ سَعْدٌ: أَمَا وَاللَّهِ؛ لَأَدْعُونَ بِثَلَاثٍ: اللَّهُمَّ؛ إِنْ كَانَ عَبْدُكَ هَذَا كَاذِبًا، قَامَ رِيَاءً وَسَمْعَةً فَأَطِلْ عُمُرَهُ، وَأَطِلْ فَقْرَهُ، وَعَرِّضْهُ لِلْفِتَنِ، وَكَانَ بَعْدَ ذَلِكَ إِذَا سُئِلَ يَقُولُ: شَيْخٌ كَبِيرٌ مَفْتُونٌ، أَصَابَنِي دَعْوَةُ سَعْدٍ.

قَالَ عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عُمَيْرٍ الرَّاوي عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ: فَأَنَا رَأَيْتُهُ بَعْدُ قَدْ سَقَطَ حَاجِبَاهُ عَلَى عَيْنَيْهِ مِنَ الْكِبَرِ، وَإِنَّهُ لَيَنْعَرِّضُ لِلجَوَارِي فِي الطَّرِيقِ فَيَعْمُرُهُنَّ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 755، م 453، 2966].

«Куфа аҳли Саъд, яъни Ибн Абу Ваққоснинг устидан Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга шикоят қилган эди, уни ишдан олиб, ўрнига Амморни омил* қилиб тайинлади. Улар шикоятда: «Хатто намозни ҳам яхши ўқиб бермайди», дейишган эди. Шунда Умар унга одам юборди. Кейин: «Эй Абу Исҳоқ*, манавиларнинг даъво қилишича, сен намозни яхши ўқиб бермас экансан», деди.

Абу Исҳоқ: «Аллоҳга қасамки, уларга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг намозларини ҳеч камайтирмай ўқиб берардим. Хуфтон намозини ўқир эканман, биринчи икки ракатда узоқроқ туриб, кейинги икки ракатини енгил қилар эдим», деди.

(Умар:) «Ўзи сен ҳақингдаги гумон шу, эй Абу Исҳоқ!» деди. Кейин унга қўшиб бир кишини [ёки бир неча кишини] Куфага юборди. У (юборилган одам Саъд) ҳақида Куфа аҳлидан бирон масжидни қолдирмай сўраб чиққан эди, уни яхши деб мақташди. Ниҳоят, Бану Абс масжидига кирганида уларнинг ичидан Абу Саъда куняли, Усома ибн Қатода исмли киши туриб: «Энди, биздан Аллоҳни ўртага қўйиб сўрар экансан, айтамизки, Саъд сарийя* билан бирга юришга бормади, ўлжани баробар тақсимламайди ва ҳукм чиқаришда адолат қилмайди», деди.

Саъд бунга жавобан: «Аллоҳга қасамки, учта дуо қиламан: «Эй Аллоҳ, агар ушбу банданг ёлғончи бўлса-ю, лекин риё ва сумъа* учун қилган бўлса, умрини узоқ қил, фақирлигини ҳам зиёда қил ва уни фитналарга гирифтор эт», деди.

Кейинчалик (Усомадан) қачон ҳол сўралса, «Фитнага қолган кекса чолман, мени Саъднинг дуоси урди», дер эди.

Жобир ибн Самурадан ривоят қилган Абдулмалик ибн Умайр айтади: «Кейинроқ уни кўрганимда қартайганидан қошлари ўсиб, икки кўзи устига тушган экан. У кўчаларда чўриларнинг йўлини тўсиб, уларни чимчилаб юрар эди».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



